

Image of sheikh in the poem "Khairat ul-Abror" by Alisher Navoi and his interpretation in miniature works

Gulabza KARSHIEVA¹

Museum of Oriental Miniature Art named after Kamoliddin Bekhzod

ARTICLE INFO

Article history:

Received December 2023

Received in revised form

10 December 2023

Accepted 25 January 2024

Available online

25 February 2024

Keywords:

perfect man,
sheikh,
real and hypocritical
sheikhs,
mystical ideas,
miniature,
symbolic signs.

ABSTRACT

The article is devoted to the analysis of Alisher Navoi's views on the ideal of a human being, the mystical ideas presented in the epic "Khairat ul-Abror". Particular attention is paid to stories about outstanding people, sheikhs, as well as hypocritical sheikhs, and their images in manuscripts and miniatures. The symbolic images used in the texts and the harmony of images in miniature works are considered.

2181-3663/© 2024 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-3701-vol2-iss1-pp75-86>

This is an open-access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” достонида шайх образи ва унинг миниатюра асарларида талқин этилиши

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

комил инсон,
шайх,
ҳақиқий ва риёкор
шайхлар,
тасаввуфий ғоялар,
миниатюра,
рамзий белгилар.

Аннотация: Ушбу мақолада Алишер Навоийнинг комил инсон ҳақидаги қарашлари, “Ҳайрат ул-аброр” достонидаги тасаввуфий ғоялар, вали инсонлар, шайхлар, ҳақиқий ва риёкор шайхлар ҳақидаги ҳикоятлари ва уларнинг қўлёзмалардаги мўъжаз тасвирлар – миниатюраларда ифодаланиши, миниатюра асарларидаги рамзий белгилар, матн ва тасвир уйғунлиги ҳақида фикрлар баён этилган.

¹ Candidate of Philological Sciences, Associate Professor, Director, Museum of Oriental Miniature Art named after Kamoliddin Bekhzod. E-mail: gkarshieva@mail.ru

Образ шейха в поэме «Хайрат уль-аброр» Алишера Навои и его интерпретация в миниатюрных произведениях

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

совершенный человек,
шейх, реальные и
лицемерные шейхи,
мистические идеи,
миниатюра,
символические знаки.

Статья посвящена анализу взглядов Алишера Навои на идеал человеческого существа, мистических идей, представленных в эпосе «Хайрат уль-Аброр». Особое внимание уделяется рассказам о выдающихся людях, шейхах, а также о лицемерных шейхах, и их изображениях в рукописях и миниатюрах. Рассматриваются символические образы, использованные в текстах, и гармония образов в миниатюрных произведениях.

КИРИШ

Алишер Навоий (1441–1501) ижодида инсон ҳақидаги тушунчалар исломий қоидалар негизиди шаклланди. Шу боис, Навоий қарашлари Қуръони карим ва Ҳадиси шарифда инсон ҳақида билдирилган фикрларга таянади, Қуръондаги оятлар баъзан мазмунан дostonларда қайтарилади ва инсон мукаррам зот экани, унинг вужуди тупроқдан бўлса-да, аммо руҳи илоҳий хусусиятга эга эканлиги баён қилинади. Шоир инсоннинг иймонли бўлиши, шариат талабларига оғишмай риоя қилиши лозимлиги, ўзини англаши, ўз Раббини таниши зарурлиги ҳақида ёзади. Комил инсон – илоҳий илмларни эгаллаган, қалби нурли, ҳар нарсадан огоҳ одам. Аммо бу йўл бағоят мушкулликлар билан, тинимсиз Аллоҳ сари покланиб бориш билан амалга ошади.

Комил инсон ҳақидаги ғоялар асрдан-асрга, шоирдан-шоирга ўтиб, мукаммаллашиб, теранлашиб борган. Бу бир идеал образ сифатида адабиётдан мустаҳкам ўрин олган. Шайхлар, номдор сўфийларга комиллик тимсоли, деб қаралган. Уларнинг хатти-ҳаракатлари, ахлоқи элга намуна қилиб кўрсатилган.

Алишер Навоий 1495–96 йилларда ёзган “Насойиму-л-муҳаббат” асарини валий инсонлар, шайхлар, сўфийларга бағишлайди. Аксарият ҳолларда, бу асар Абдурахмон Жомийнинг “Нафаҳот ул-унс мин ҳазароту-л-қудс” (“Дўстлик таровати”) асарининг ижодий таржимаси сифатида кўрилади. Абдурахмон Жомийнинг “Нафаҳот ул-унс” асарида 616 та шайх ҳақида маълумот келтирилган. Ҳазрат Навоий бу маълумотларни қайта ишлаб, тўлдириб, шайхлар сонини 770 тага етказди. Шунингдек, “Насойиму-л-муҳаббат”да Абдурахмон Жомий ва унинг замондоши бўлган валий зотлар ҳаёти ва фаолиятини ҳам ёритганини маълум қилади.

Навоий асарларида, жумладан “Хамса”нинг биринчи достони “Хайрат ул-аброр”да ҳам ўзи эътиқод қўйган шайхлар, валилар сиймосини чизиб, инсоний баркамоллик, иймон ва эътиқод ғояларини тарғиб этади. Бу дostonда Боязид Бистомий, Иброҳим Адҳам, Абдуллоҳ Ансорий, Шайх Ироқий, Имом Фахриддин Розий, Шайх Сухравард, Хожа Муҳаммад Порсо, Абдуллоҳ Муборак номи билан боғлиқ ҳикоятлар келтирилади.

“Ҳайрат ул-аброр” достони мақолотларига илова қилинган ҳикоятлар рассомларга муаллиф ғояларини тасвирлар орқали очиб бериш ҳамда анъанавий миниатюралар силсиласи пайдо бўлишига имкон яратган. Адабиёт каби миниатюра санъатида ҳам муаллифлар тарихий шахсларнинг портретларини яратишга интилмаганлар, балки тарихий шахслар ҳақида кенг тарқалган ҳикоятлар, ривоятларни асарларида мужассам этганлар, шунинг учун ҳам умумлашган сюжетлар ва тасвирлар яратиш анъанага айланган. Ўз навбатида, улар билан боғлиқ ҳикоятлар ахлоқ ҳақидаги ўрта аср ғоялари ва қарашларининг намуналари сифатида қабул қилинган.

Темурийлар даврида Хўжа Аҳрори Валининг хизматлари билан Нақшбандия тариқати Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг асосий тариқатига айланди. Бу даврда Нақшбандия тариқати соҳиблари, сўфий ва дарвешлар ҳақиқатан ҳам катта нуфуз ва обрўга эга эдилар [*Рахимова. 2022.16*].

Ҳиротдаги барча машҳур олимлар, рассомлар, машшоқлар ва шоирлар ана шу таълимот тарафдорлари эдилар. Ҳатто, Султон Ҳусайн (1469-1505) Абдурахмон Жомий (1414–1492) ва Навоийнинг таъсири остида тасаввуфни ёқлаган [*Рахимова. 2020.17*].

Шоир ғояларини, тасаввуфга оид қарашларини сўзлар билан ифодаласа, мусаввир рамзий белгилар орқали очиб беришга ҳаракат қилган. Бу ранглар, композиция, кийимлар, образлар ва бошқа ҳолатларда кўринади.

Маълумки, ўрта асрлар, айниқса, Алишер Навоий даври кўлөзма яратиш санъати – китобат санъатининг энг гуллаб-яшнаган даври бўлди. Китобат санъати қоғозрез, хаттот, лаввоҳ, музаҳҳиб, мусаввир, саҳҳоф (муқовасоз) каби ҳунармандлар ижодий гуруҳи томонидан бажариладиган жараён бўлиб, Ўрта ва Яқин Шарқ давлатларда бу фаолият деярли бир хил усулда амалга оширилган. Китобат санъати усталари ҳукмдорлар ва бошқа амалдорнинг буюртмаси асосида айна асарлар ғоят нафис безаклар, мўъжаз расмлар – миниатюралар билан зийнатлашган. Мусаввирлар ўз миниатюраларида бадий асарлардаги муаллиф ғояларини, воқеаларни, машҳур қаҳрамонлари ҳолатларини тасвирлаш баробарида, шарқона одобнинг ахлоқ мезонларидан келиб чиққан ҳолда, миниатюра санъатининг мавзулари тизими, унинг ўзига хос бадий тили, шартли рамзий тимсолларини ишлаб чиқишган. Кўп ҳолларда мусаввир рамзий белгилар орқали бадий асарда баён этилган мураккаб мавҳум ғояларни ифодалайди. Масалан, суҳбат қураётганлар ёнида сарв дарахтининг тасвири суҳбатнинг диний, гул бутаси ва булбул – ишқий мавзуда эканлиги рамзидир. Шу боис, Шарқда бадий адабиёт ва миниатюра санъати бир-бири билан нафақат бадий-ғоявий жиҳатдан, балки ифода хусусиятлари жиҳатидан ҳам ўзаро уйғунлашиб кетган.

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Шарқ китобат санъати ва мумтоз миниатюра меросининг тадқиқи бир қатор таниқли олимларнинг изланишларида ўз аксини топган. Миниатюра асарлари тарихини ўрганиш турли йўналишларда амалга оширилган. Дастлаб, миниатюрага кўлөзманинг, яъни бадий, тарихий ва дунёвий аҳамият касб этган диний асарларнинг беағи сифатида қаралган бўлса, вақт ўтиб, миниатюра мактаблари, асосан форс миниатюраси таркибида, кейин эса, адабиёт ва санъат тараққий этган маданият марказлари номи билан боғлиқ алоҳида миниатюра мактаблари, яъни Ҳирот, Табриз, Машҳад, Самарқанд, Бухоро, Усмонли Туркия, Ҳинд в.б. миниатюра мактаблари кесимида ўрганила бошланди.

Ўзбекистонда миниатюраларни илмий муомалага илк бор буюк адабиётшунос олим, филология фанлари доктори Ҳамид Сулаймонов [7, 8] олиб кирди. Шарқ миниатюраси ва китобат санъатини ўрганиш ҳамда уларни нашр қилишда Ҳамид Сулаймоннинг хизмати катта. Ҳамид Сулаймон Франция, Америка, Россия, Ҳиндистон, Миср, Эрон ва бошқа давлатларнинг музей ва кутубхоналарида сақланаётган Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий, Алишер Навоий ва Заҳриддин Муҳаммад Бобур асарлари қўлёзмаларидаги миниатюраларни ўрганиб, расмларни йиғиб тартиб берган албомлари [Сулаймонов Ҳ. Бобурнома расмлари. 1970; Алишер Навоий достонларига ишланган расмлар. 1970; Алишер Навоий асарларига ишланган расмлар. Ф. Сулаймонова билан ҳаммуаллифликда; Амир Хусрав Деҳлавий асарларига ишланган расмлар. Ф. Сулаймонова билан ҳаммуаллифликда, 1983; Низомий “Ҳамса”сига ишланган расмлар. 1985] бу соҳа тараққиётига салмоқли улуш бўлиб қўшилди. Ушбу нашрлар кўплаб ноёб манбаларни илмий муомалага олиб киргани ва қимматли намуналарни юқори полиграфик савияда чоп эттиргани билан ажралиб туради.

Айнан миниатюра асарларининг сюжетига эътибор қаратиш ҳам Ҳамид Сулаймон томонидан бошлаб берилди. Кейинчалик санъатшунос Н. Пугаченкова [10, 11], тарих фанлари докторлари Э. Исмоилова [9], А. Мадраимов [18], профессор З. Рахимова [13, 14, 15, 16] филология фанлари доктори А. Эркинов [20]лар томонидан тадқиқотлар олиб борилди. Лекин бу тадқиқотларда мақсаддан келиб чиқиб, Алишер Навоий асарлари, жумладан “Ҳайрат ул-аброр” достони ғоявий мазмуни ва унинг мусаввир нигоҳидаги талқини масаласи жуда қисқа ёритилган.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ушбу мавзунини ёритишда аниқлаш, тизимлаш, кузатув, қиёсий солиштирув, қиёсий-умумлашма таҳлил методларидан фойдаланилди.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

“Ҳайрат ул-аброр” достони мақолотларига илова қилинган, Шайхларга бағишланган ҳикоятларга ишланган миниатюраларни матн билан уйғунлик нуқтаи назаридан таҳлил қиламиз.

“Хожа Абдуллоҳ Ансорий дарвешлар билан суҳбатда”. Қосим Али (?). (“Ҳайрат ул-аброр”. Ҳирот. 890/1485. Бодлеан кутубхонаси. Elliot 287. в.24а. 11,5x16,3 см.)

Миниатюрага “Хирқа кийган риёкор шайхлар хусусида” тўртинчи мақолотга илова Абдулла Ансорий ҳақидаги ҳикоят асос бўлган. Бу миниатюра Навоий кутубхонасининг мусаввирларидан бири Қосим Али қаламига мансублиги айтилади [Bahari. 1996:106].

Навоий шайхлар улуғланган даврда уларнинг орасида риёкорлари ҳам учраётганлигига эътибор қаратади. Хирқа кийган риёкор шахсларнинг ҳақиқий либоси ҳийла-найранг кийимидир, улар авом халққа ўргатадиган билимлари ахлоқлик, ҳақиқий майхўрлик тўғрисида бўлади, дейди. Шайхлар аслида одамларга йўл кўрсатиши керак, риёкор шайхларнинг кўрсатган йўли дўзах ўтига олиб боради, дейди. Ва, мазкур мақолотга Абдулла Ансорий ҳақидаги ҳикоятни илова қилади. Шунингдек, “Лисон ут-тайр” достонида ҳам Абдулла Ансорийга бағишлаб иккита кичик ҳикоят келтиради.

Абу Исмоил Абдуллоҳ ибни Абулмансур Муҳаммад Ансорий Ҳиравий – Абдуллоҳ Ансорий (1006, Ҳирот-1088) – форс-тожик шоири, муфасссир, факих, тасаввуф шайхи. У уч юз минг ҳадис ёд олган, шайхулисом мансабини эгаллаган

исломшунос арбоб бўлган. Жуда кўп шеърларни ҳам ёддан биларди. Чунончи, арабча шеърлардан етмиш минг байт ва форсиёна шеърлардан юз минг байтни ёд қилган эди [Бертельс. 1965:67].

Улки ани қибла дер аҳли Ҳирот,
Дема, Ҳирот аҳли, бари коинот.
Аҳли аён солики атвори ул,
Исма Абдуллоҳи Ансори ул
Деди буким, иш манга тоат турур,
Тенгрининг амрига итоат турур [Алишер Навоий. 1989: 103-104].


“Пири Ҳирот” ва “Шайхулислом” номлари билан катта шухрат қозонган шайх Абдулла Ансорийга Навоий Аллоҳнинг яқини, Ҳирот аҳли, Ҳирот аҳлигина эмас, балки бутун коинот уни қибла (Каъба) деб ҳисобларди, у имони комилларнинг йўл бошловчиси, хулқ-атворлиси, – деб баҳо беради.

Миниатюра [Ҳамид Сулаймон, 1970, 2-расм]да (1-расм) нақшинкор бино саҳнида Хожа Абдуллоҳ Ансорий ва унинг издошлари, шогирдларидан тўрттаси қизғин суҳбат қуриб турган чоғи тасвирланган.

Сўфийлик тариқатларини бир-биридан ажратиб турадиган унсурлар бўлган. Ансорийни Нақшбандия тариқати вакили бўлганлигига мусаввир унинг кийимининг ранги орқали ишора беради. Санъатшунос З.Рахимовага кўра, ҳар бир мазҳабда ранглар ўзига хос мазмун билан талқин қилинган. ...нақшбандия мазҳабидагилар кулранг-сариқ рангдаги либос кийишган [Рахимова. 2008:2]. Мусаввир Ансорийни сариқ рангда тасвирлаш орқали унинг тариқатини ифодамоқчи бўлади.

Ансорий марказда жойлаштирилган, унинг гавдаси атрофдагиларга нисбатан йирик қилиб тасвирланган. Бу, Ансорийнинг атрофдагиларга нисбатан кўпроқ билимга эга эканлиги, қўлининг очиқ ҳолда тасвирланиши эса унинг таълим бераётганлигини англатади. Миниатюранинг юқори қисмида:

Менки ишим бўлди парастииш мудом,
Бийму умид иккиси бўлмиш ҳаром.
Бандалик амрига чу маъмурмен,
Тун-кун ишим бу эса маъзурмен.



1-расм. “**Хожа Абдуллоҳ Ансорий дарвешлар билан суҳбатда**” Қосим Али (?).

Ҳирот. 890/1485. Бодлеан кутубхонаси. Elliot 287. в.24а.

11,5x16,3 см. Алишер Навоий дostonларига ишланган расмлар.

Сўз боши автори ва тузувчи Ҳамид Сулаймон, 1970, 2-расм.

Пастки қисмида эса қуйидаги байтлар битилган:

Гарчи анга лойиқ эмас тоатим,
Бўлмасун онсиз эса бир соатим,
Қил дедиким, қилмоқ эрур варзишим,
Радду қабули ила йўқ ҳеч ишим.

Сўфийлар учун муҳими шайхнинг суҳбати ҳамда шайхнинг муҳаббатидир. Ушбу юксак маҳорат билан ишланган расм ўзининг мазмуни билан дostonни маълум даражада бойитади.

“Шайх Ироқийнинг жамоа олдига келтирилиши”. Шох Музаффар (?).
(“Ҳайрат ул-аброр”. Ҳирот. 890/1485. Бодлеан кутубхонаси.

Elliot 287. в.34а. 11,5x16,3 см.)

Бу миниатюра “Ҳайрат ул-аброр” дostonида тасаввуф ғоялари куйланган тўққизинчи “*Ишқ ўти таърифида...*” мақолотида илова сифатида берилган ҳикоят асосида ишланган. Айтиш керакки, Шайх Ироқий ҳикояти “Ҳайрат ул-аброр” дostonига ишланган миниатюралар орасида энг кўп мурожаат қилинган мавзу ҳисобланади. Шулардан энг биринчи ишланган расм, Ҳиротда 890/1485 йилда кўчирилган қўлёзмада бўлиб, уни санъатшунослар Беҳзод назорати остида ишланган асар, деб ҳисоблайдилар [Bahari. 1996. 162].

Воқеа қуйидагича: бир неча вақт Мисрни ўзига макон қилган Шайх Ироқий кунларнинг бирида Шомга йўл олади. Шом давлатининг ҳокими Шайхнинг ташрифини ўз мавқеи учун шараф деб билади. У мамлакат аҳолисига шайхни кутиб олиш учун чиқиш тўғрисида фармон беради.

Йиғилганлар Шайхга яқинлаша бошлар экан, барчалари отларидан тушишади. Ҳокимнинг бир ўғли ҳам бўлиб, у шундай чиройли эдики, у лутфу малоҳатда жаҳон офати ҳам эмас – жон офати эди.

Лутфу малоҳатда жаҳон офати,

Дема жаҳон офати, жон офати.

Шом саводида махи анвар ул,

Миср элига Юсуфи пайғамбар ул [Алишер Навоий. 1989. 148].

У Шом мамлакати қоронғиликда қолганда уни ёритиб турувчи нурли Ой бўлиб, Ёқуб пайғамбарнинг ўғли – Юсуфдек эди. Араб мамлакатлари ичида ажойибнинг ажойиби бўлиб, унга ажам ҳам, араб ҳам шайдо эди. У гўзал йигит Шайх кўзига кўриниши билан юзини унинг оёғига қўйиб, оҳ чека бошлади. Хирқасини чок-чок этиб дуо тасбеҳини узиб ташлади. Шоҳ ва унинг қўшинлари Шайхга тупроқдек бўлиб, у эса шоҳ ўғли йўлида тупроқдек эди.

Ишқда Шайх шундай бир ҳолга тушадики, ҳайратдан йиғилганларнинг ҳаммаси лол эди. Шайхни бу ҳолга солган ишқ ҳар қандай нуқсондан пок бўлиб, у нима қилса, ажабланадиган ери йўқ эди. Шайхни ишқ ўти ҳалок қилар экан, унинг шуъласи ўша йиғилганларни ўртантириб юборади.

“Ишқ ароким, Шайхга ул ҳол ўлуб,

Ҳайратидин келган улус лол ўлуб.

Ишқки, ҳар шойибадин пок эрур,

Ҳар неки қилса киши не бок эрур” [Алишер Навоий. 1989. 149].

Титрашидан, ўртанишидан унинг поклиги Қуёш сингари фош бўлди. Ҳокимнинг ичидан ўт аланга кўрсатиб, ўзи ва унинг ўғли Шайхга мурид бўлдилар. Ким ишқда бу хилда пок бўлса, бу сифат оқибатда хосиятли бўлади. Ишқда покликдан бошқаси мумкин эмас.

Алишер Навоий “Маҳбуб ул-қулуб” асарида ишқни уч қисмга бўлади.

Биринчи қисми оддий одамлар ишқи бўлиб, халқ орасида машҳур ва кенг тарқалган...

Иккинчи қисм. Хослар ишқи бўлиб, бу хос ишққа мансуб кишилар пок кўзни пок ният билан пок юзга соладилар ва у пок юз воситаси билан пок ошиқ ҳақиқий Маҳбубнинг жамолидан баҳра олади...

Учинчи қисм – сиддиқлар ишқи бўлиб, улар Ҳақнинг жамолини очиқ кўриш истаги билан куйиб ёнадилар. Талаблари шудир. Улар Ҳақни кўз билан мушоҳада қилиш умиди туфайли ўзни унутиш даражасига етган ва бундан ҳам ўтиб, фано мақомини ҳосил этгандирлар [Алишер Навоий. 2018. 89-92].

Навоий Шайх Ироқий ишқини иккинчи тоифага киритади: “... сўзи поку, кўзи пок ишқ аҳли ичра ягона ва бу тоифанинг беназир ва миллат ва диннинг фахри бўлмиш Шайх Ироқийдурким (Шайх Фахриддин Иброҳим Ироқий) ишқ билан сифатланган...” [Алишер Навоий. 2018: 90].

Сўфий севгилисига кўнгил қўйганида маҳбуба юзида Оллоҳ жамолини кўради, унинг ишқида ёнаркан, мен оллоҳ ишқида ёняпман деб ўйлайди, бу йўлда у жисман ва руҳан пок бўлишга ҳаракат қилади: маҳбубасига пок назар билан боқиб, пок лаззат олишни ўйлайди, холос.

Демак, пок юз воситаси (шахзода) орқали пок ошиқ (Шайх Ироқий) ҳақиқий Маҳбуб (Аллоҳ)нинг жамолидан баҳра олади.

Шоир ғоясининг мусаввир талқинидаги ифодасига эътибор қаратамиз.

Миниатюра [Сулаймонов. 1970. 4-расм.]да (2-расм) шаҳар чети, кенг дала, унинг марказида ҳирқа ёқасини чок этган, бошидан салласи қулаган ва ҳушини йўқотган Шайх тасвирланган. Унинг ёнида икки муриди – шогирди парвона. Чап томонда унинг аҳволига кўз ёш тўқаётган ҳассага таянган қария. Шайх Ироқий рўпарасида Шом шоҳи ва ҳайратланиб турган шаҳзода. Улар ёнида яна икки нафар ҳассали фозиллар, орқарокда ва пастда шоҳ мулозимлари, шаҳар аҳолиси. Ушбу расмдаги бошида тожи бор йигит – шаҳзоданинг хушсурат, чиройли қилиб, Шайхни эса ишқ савдосида хору-зор қилиб тасвирланиши, мусаввир дoston мазмунини жуда таъсирчан ва тўғри ифодалаганини кўрсатади.

Миниатюрада қуйидаги байтлар битилган:

Мулки араб ичра ажабдин-ажаб,
Волих анга ҳам ажаму ҳам араб.
Миср диёри аро хабби набот,
Шом саводида худ оби-ҳаёт.
Шайх кўзига чу кўрунди ул ой,
Қўйди аёғига юзу, чекти вой.
Чок этибон хирқаи иршодни,
Узди чекиб субҳаи авродни.
Шайхга туфроқ олубон хайлу шоҳ,
Лек бўлуб Шайх анга хоки роҳ.
Ишқ ароким Шайхга ул хол ўлуб,
Ҳайратидин келган улус лол ўлуб.
Ишқки ҳар шойибадин пок эрур,
Ҳар неки қилса киши не бок эрур?



2-расм. “Шайх Ироқийнинг жамоа олдига келтирилиши”

Шоҳ Музаффар. Ҳирот. 890/1485. Бодлеан кутубхонаси. Elliot 287. в.34а. 11,5х16,3 см. Алишер Навоий дostonларига ишланган расмлар. Сўз боши автори ва тузувчи
Ҳамид Сулаймон, 1970, 4-расм

Шайх Ироқийни сўфийлар пири, атрофдагилар эса дарвешлар, муридлари эканлигига ишора сифатида мусаввир уларни энги узун ва кенг либосда тасвирлайди. Маълумки, сўфийларнинг либослари “кенг ва узун бичимдаги чопонларнинг энглари кенг бўлиши билан ажралиб турган. Сўфийлар либосидаги ҳар бир унсур ва унинг ранги рамзий маънога эга бўлган.

Жуда кенг энглар дунёвий неъматларнинг ҳеч бири абадий эмаслигини англатган. Чопоннинг узунлиги имон-эътиқоднинг чинакам, аслигини белгиллаган” [Рахимова. 2020:23]. Мусаввир Шайх Ироқийни яшил рангли кийимда тасвирлайди.

Нажмиддин Кубро таъбирига кўра яшил ранг – “...муриднинг худога чинакам эътиқод билан қалбини бағишлаган ҳолатини ифодалайди” [Қорабоев. 2001: 21]. Шу ўринда бир мулоҳаза: миниатюра тадқиқотларда “Шайх Ироқийнинг жамоа олдида келтирилиши” деб номланади. Лекин, ҳикоятда ҳам миниатюрада ҳам Шайх Ироқийнинг жамоат олдида олиб келиниши акс этмаган. Аксарият ҳолларда томошабин, асарнинг номланишидан келиб чиқиб, уни тушунишга ҳаракат қилади. Шу нуқтаи назардан, бизнингча, бу миниатюрани **“Шайх Ироқий ва Шом шахзодасининг учрашуви”** деб номланиши тўғри бўлади.

“Шоҳнинг имом билан ҳаммомдаги суҳбати” миниатюраси.

(“Ҳайрат ул-аброр”. Ҳирот. 877/1492. Виндзор саройи кутубхонаси. MS 65. 366 в. Британия музейи, Add7909. Формати 16,5x27см.)

Ушбу миниатюра дostonнинг илмга таъриф берилган, ўн биринчи мақолатига илова этилган имом Фахр Розий билан Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ ўртасида ҳаммомда бўлиб ўтган суҳбат лавҳасига ишланган. Мақолатга илова этилган ҳикоятда шундай дейилади: Имом Фахриддин Розийни тақдир Хоразмга етаклайди. Лекин Хоразмшоҳ бу хабарни эшитса-да, уни на таклиф қилади, на кўришга келади. Ҳақни таниган Розий ҳам унинг олдида бормайди. Бир куни улар тасодифан ҳаммомда учрашиб қолади. Шоҳ имомни мулзам қилиш ниятида ундан қиёмат куни, яъни инсон бу дунёда кўриши мумкин бўлмаган воқеа ҳақида сўрайди.

“К-ей, бўлуб эл илминг ила баҳравар,

Айт қиёмат ишидин бир хабар,

Ким неча ул кунда малол ўлғуси,

Ҳар кишига анда не хол ўлғуси?”

Розий унга шундай жавоб беради:

“Ким сангаким хашр сўзи ком эрур,

Бил анга монанд бу ҳаммом эрур.

Анда гадо шах била яксон бўлуб,

Шоҳу гадо борчаси урэн бўлуб.

Жоҳу жалол аҳли санингдек бори,

Ичкарию бору йўқи ташқори.

Илму амал аҳли менингдек тамом,

Ҳарне йиғиб, ҳамрах этиб вассалом.

Йўқ санга султонлик ила суд кўп,


Лек манга илм ила беҳбуд кўп”. [Алишер Навоий. 1989. 166].

“Эй қиёмат кунини билишни орзу қилган одам, қиёмат ҳақидаги саволга энг монанд жой шу ҳаммомдир. У ерда ҳам шоҳ билан гадо бир хил аҳволга тушиб, шоҳу гадо барчаси яланғоч юради. Амалдорлар, катталар ҳаммаси сенга ўхшаб,

ичкарига киргач, бору йўғи ташқарида қолади. Илму ҳунар эгалари эса менга ўхшаб, нима йиққан бўлса, ўзи билан олиб киради, вассалом. Султонликдан сенга у куни кўп фойда йўқ, лекин менга илмим туфайли яхшилик кўп бўлади”.

Навоий илм аҳлини олган илмига амал қилишга чақиради.

Шу ҳикоятга талқин сифатида ишланган миниатюрани (3-расм) қуйидагича таҳлил этиш мумкин: ҳаммом – дунё тимсоли, унда шоҳ билан имом дунё сиру синоати ҳақида гаплашяпти.



3-расм. **“Шоҳнинг имом билан ҳаммомдаги суҳбати”**

“Ҳайрат ал-аброр”. Ҳирот. 877/1492. Виндзор саройи кутубхонаси. MS 65. 366 в.
Британия музейи, Add7909. Формати 16,5x27см. Ҳ.Сулаймон, Алишер Навоий
достонларига ишланган расмлар. Фан. Тошкент, 1970. 87-расм.

Имом Фахриддин Розий – олим, у боқийдир, ҳақиқий васл нариги дунёда бўлиши, бу дунё қисқа ва ўткинчи эканлигини теран англайди. Шу боис ҳам гўзал олам – у дунё тимсоли миниатюранинг юқори қисмидан ўрин олган. Имом у дунёда шоҳу гадо, олиму султон ўртасида ҳеч қандай тафовут бўлмаслигини, унгача ҳаёт шу тарзда давом этаверишини таъкидлайди. Навоий одил подшоҳни эса золим подшоҳлардан комилроқ деб билади, ўз илмига амал қилувчи олимни подшоҳлардан ҳам комилроқ деб эътироф этади.

Тасвир ўртасида ҳамма бир хил – кийимсиз – Қиёмат куни, ўнг томонда эса эшик очик, ундан уч хил кийим кийган киши келяпти: ҳаёт давом этяпти. Бу тасвир шу билан бирга шоҳнинг дунёни ўзгача тушунишини англатади. Тасвир ўртасидаги икки малак тимсоли илҳом ва кашф оламига ишора. Агар одам илҳом ва кашф мақомига эришса, уни англаса, илоҳий васлга етишиши муқаррар. Миниатюранинг юқори қисмида ваҳдат олами яшил рангли гумбаз воситасида ифодаланган. Ўнг тарафдаги эшик очик турибди, чунки Аллоҳ ва унинг раҳматини англаш учун одам қалби доимо бедор бўлмоғи лозим [Эркинов А.2021. 34].

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Ҳазрат Навоий ижодида тасаввуф ғоялари кенг ўрин эгаллайди. Бу мутафаккирнинг бир қанча асарларида ўз ифодасини топган. Шунингдек, ўз даврининг катта шайлари, сўфийлари ва дарвешлари билан олиб борилган очиқ мулоқотлар ҳам шоирнинг тасаввуф ҳақидаги билимларини янада бойитди. Навоийнинг ўзи тасаввуфнинг етук намоёндалари сирасига киради. Зотан ҳаёти давомида шоирнинг қилган ишлари бунинг яққол далили бўлади.

Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” достонида юқорида номлари зикр қилинган шайхлардан ташқари Иброҳим Адҳам, Боязид Бистомий, Муҳаммад Порсо ва Хожа Абу Наср, Ануширвони одил, Нўширавон, Ҳотами Той ҳаётидан олинган ҳикоятлар ҳам мавжуд бўлиб, бу ҳикоятларнинг умумий хусусияти шуки, уларнинг ҳар бирида бир сўфиёна ғоя ихчам, эсда қоладиган даражада ифодали қилиб тасвир этилади.

Мусаввирлар эса, Навоий асарларидаги ҳикоятларнинг мазмун-моҳиятини рамзий белгилар орқали, яъни ранглар, композиция, кийимлар, образлар ва бошқа ҳолатларда очиқ беришга ҳаракат қилиб, ўқигувчига эстетик завқ улашиш билан бирга асар ғоясини осонроқ англашига ёрдам берганлар. Юқорида таҳлил қилинган миниатюралар таҳлили замонасининг етук мусаввирлари Навоийнинг ғоявий-эстетик ва ахлоқий қарашларини ҳис қила олганликларидан далолат беради.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ:

1. Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1989.
2. Алишер Навоий. “Лисонут-тайр” (Қуш тили). Сўзбоши муаллифи, изоҳ ва луғатлар тузувчиси Ваҳоб Раҳмонов. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти 1991.
3. Алишер Навоий асарлари XV-XVI асрлар китобат санъати дурдоналарида (Россия Миллий кутубхонаси тўпламидан, Санкт-Петербург, Россия). Матн муаллифи ва тузувчи: Ольга Васильева. “UZBEKISTAN TODAY”. “ZAMON PRESS INFO”. 2017.
4. Алишер Навоий. “Маҳбуб ул-қулуб”. Ҳозирги ўзбек тилига табдил. Сўз боши Ш.Сирожиддинов. Изоҳ ва нашрга тайёрловчилар: А.Тилавов, И.Сайфуллаев. – Т.: “Sano-standart”. 2018.
5. А.Абдуллаев Тасаввуф ва унинг намоёндалари. Илмий-оммабоп рисола. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. –Т., 2009.
6. Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. Москва: «Наука», 1965.
7. Ҳ.Сулаймонов “Алишер Навоий достонларига ишланган расмлар”. –Т.: “Фан” нашриёти. 1970.
8. Ҳ.Сулаймонов, Ф.Сулаймонова Алишер Навоий асарларига ишланган расмлар. XV-XIX асрлар. -Т.: 1982.
9. Исмоилова Э.М. Рукописная книга Средней Азии позднего периода (XIX в.). Приемы декора. Иллюстрации. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора исторических наук. -Т.:1990.
10. Пугаченкова Г. А. Среднеазиатские миниатюры (XVI–XVIII веков в избранных образцах). – Т.:, 1994.
11. Пугаченкова Г. А., Ремпель Л. И. История искусств Узбекистана. – Москва, 1965.
12. Ремпель Л. И. Историко-художественные заметки. Об эстетической ценности живописи Среднего Востока. / Вопросы изобразительного искусства Узбекистана. – Т.:, 1973.

13. Рахимова З. И. Мавераннахрская (среднеазиатская) миниатюрная живопись XVI-XVII вв. как источник по истории костюма. Автореферат. – Т.: 1984.
14. Рахимова З. Шайхлар ва дарвешларнинг либослари. // San'at. 2008 й. 2-сон.
15. Рахимова З. “Беҳзод миниатюралари асосида Ҳирот либослари талқини”. /”San’at” журнали. 2020 й. 3-сон.
16. З.Рахимова “Қамолиддин Беҳзод мероси жаҳон тўпламларида”. “Ўзбекистон маданий мероси” муаллифлик туркуми. Т.: “Zamon Press-Info Nashriyot uyi”. 2022 у.
17. Bahari E. Bihzad. Master of Persian Painting. I.B.Tauris &Co.Ltd 1996.
18. А.А.Мадраимов Алишер Навоий бадиий асарларининг XV-XVI асрлардаги қўлёзмалари. –Т.: Фан ва технологиялар нашриёт уйи. 2021й.
19. У.Қорабов “Нажмиддин Кубро мероси ва унинг “Латоиф” назарияси”. “San’at”. 2001 й. 4-сон.
20. А.Эркинов Алишер Навоий “Хамса”си талқини манбалари (XV – XX аср боши). Алишер Навоий ижодига оид тадқиқотлар. Истиқлол даври ўзбек навоийшунослиги. 30 жилдлик. 19-жилд. –Т.: TAMADDUN. 2021. 34-б.